



Маҳсулотларни бир ерга жамлаб, экспорт билан шуғулланувчи кооперация ташкил этиш керак, деган фикрдаман. Мутасаддилар таклифимизга эътибор қаратишса, яна қўшимча иш ўринлари яратиларди.



Маҳаллада 102 та махсус камера ўрнатилган. Уларнинг барчаси телефонимга ва планшетга интеграция қилинган. Қаерда бўлсам, худудни тўлиқ назоратга олиб, ҳуқуқбузарликни тезкор аниқлай оляпман.



2024 йил
1 июнь,
шанба

Маҳалла

№29
(2167)

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Чоршанба – маҳаллада ҳуқуқий тарғибот куни

Олис маҳаллаларда ойига камида икки мартаба сайёр давлат хизматлари кўрсатилади. “Маҳалла еттилиги”га қонунчилик ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини оддий ва халқчил тилда етказиш, “Online-mahalla” платформасига киритилган аҳолининг муаммоларини ҳал этиб боришда кўмак берилади.

2-с.

Ижтимоий дафтардан ишби- лармонликкача...

Қам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳволи ўрганилади. Шунга кўра, амалий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланмоқда. Натижада кеча эҳтиёжмандлар рўйхатида турган оилалар бугун тадбиркор, хунарманд, камида ўзини ўзи банд қилганлар сафига қўшилмоқда.

4-с.

Фарзандингиз тақдирига нега дахлдор эмассиз?

Ўқийман, ўрганаман, деган болага етарли шароит яратиб берилса, натижадорлик икки хисса ортади. Шу маънода келажагимизнинг бевосита бунёдкорлари бўлган ёшларни илму маърифатли қилиб вояга етказиш барчамизнинг бирламчи вазифаларимиздан саналади.

7-с.

Синовларда синмаган сабр

Донишманд халқимизнинг яна бир накли бор: “Қайнонали келин – қарқара келин, қайнонаси келин – масхара келин”. Аслида, катталарнинг дуосида ҳикмат бор. Уларнинг менга бўлган меҳри, хурмати, эътиборини оқлаган ҳолда, ўз олдимга катта мақсадлар қўйганман. Насиб этса, бу хунармандлик йўналишларимни янада кенгайтириб, қизларимизга беминнат ўргатаман.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиш!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallalabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

КУН НАФАСИ



“Маҳаллада “еттилик” ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлса, ишсизлик, жиноят бўлмайди”

Президент Шавкат Мирзиёев 31 май кунни Бухоро вилоятига келди

Давлатимиз раҳбари Қорақўл туманидаги “Қорақўл” маҳалласи худудидида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди.

Худудда илгари бунчалик кенг кўламли қурилиш бўлмаган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 13 августдаги қарорига мувофиқ, “Қорақўл” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилганидан кейин sanoat жадал суръатга кирди. Ундаги заводларда келгусида минглаб одамлар иш билан таъминланади. Қолаверса, юртимизнинг бошқа худудларидан ҳам мутахассислар

келиб ишлади. Уларга қулайлик, оилаларига муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида мазкур иқтисодий зона яқинида янги массив бунёд этилмоқда.

Лойиҳа икки босқичли бўлиб, 1 минг 380 хонадонли 71 та кўп қаватли уй, таълим ва тиббиёт муассасалари, маҳалла маркази ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши кўзда тутилган.

Хозирда биринчи босқичда 12 та кўп қаватли уй, мактаб, болалар боғчаси, поликлиника фойдаланишга топширилган.

Президентимиз шу ерда маҳалла вакиллари билан

суҳбатлашди.

– Маҳаллада “еттилик” ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлса, ишсизлик, жиноят бўлмайди. Бунинг учун уларда етарли ваколат бор. Мутасадди ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг даромад топишига ёрдам бериш керак. Мактабда таълим сифатидан хабардор бўлиш, битирувчиларни олий таълимга, даромадли хунарларга йўналтириш зарур, – деди давлатимиз раҳбари.

Атрофни, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Келгусида худудда истироҳат боғи ва сузиш ҳавзалари ташкил этилади. Бўш майдонларга дарахтлар экилиб, хиёбонга айлантирилади.

МОҲИЯТ

“Еттилик” фаолиятига маҳалла раиси баҳо беради

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 мартда “Маҳалла еттилиги” фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ҳодим ва солик инспектори фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолашда маҳалла раисининг широк кўламли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини эълон қилди.



Хукумат қарори билан Президентнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини амалга ошириш мақсади билан келишди.

Яъни «Маҳалла еттилиги»нинг фаолияти асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича алоҳида баҳоланади, KPI кўрсаткичлари “еттилик” аъзоларининг иш бевурали билан келишилади. Маҳалла раислари ходимлар фаолиятини баҳолашда 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга бўлади. “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг иш ҳақини асосий иш жойидан бериш тартиби сақлаб қолинган ҳолда, KPI асосида баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, улар моддий рағбатлантирилиб борилади. “Маҳалла еттилиги” фаолияти тегишли индикаторлар бўйича баҳоланади.

Давони 2-саҳифада.

ИШЧИ ГУРУҲ

Саволга жавоб, муаммога ечим, албатта, топилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳларининг худудлардаги ўрганишлари давом этмоқда



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Куронбоев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Сурхондарё вилоятида ўрганишлар олиб борди. Жараёнда масъуллар Музработ туманидаги “Мустақиллик” ва “Оби ҳаёт” маҳаллаларида бўлишди. У ерда аҳолининг турмуш шароити, маҳалла еттилиги амалга ошираётган ишлар

ва “Сайхунобод тажрибаси” асосида аҳолининг томорқадан фойдаланиш маданияти ўрганилди. Ижобий ишлар жуда кўп, шу билан бирга, камчиликлар йўқ эмас. Ишчи гуруҳи ечимини кутаётган масалалар бўйича масъуллар билан келишиб, қисқа муддатли чора-тадбирларни белгилаб олди.

Давони 2-саҳифада.

ЯНГИ НОРМА

МАҲАЛЛАНИ ТУЗИШ ВА БЎЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш ваколати фуқаролар йиғинлари илтимоси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказилади.



КЕЛГУСИ СОНДА ЎҚИНИ



Президент ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ тақлифига биноан, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 26-28 май кунлари Ўзбекистонда бўлди.



Президент фармонида кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида АТОМ ЭНЕРГИЯСИ АГЕНТЛИГИ ташкил этилади.



Президент фармонида асосан, таълим грантида тахсил олган талабаларнинг 3 йил ИШЛАБ БЕРИШ МАЖБУРИЯТИ бекор қилинади.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

УЮШМА UNFPA БИЛАН КЕЛИШУВГА ЭРИШДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми ва бир нечта йўналишларни ўз ичига олган иш режа имзоланди.



Мақсуд стратегик ҳамкорлик давлат ва фуқаролар ўртасидаги муҳим бўғин, "кўприк" ҳисобланмиш маҳалла институти ҳамда UNFPA ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишга йўналтирилган. Томонлар ўзаро имзоланган англашув меморандумига асосан, ривожланишга йўналтирилган ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга оширишни режалаштиришмоқда. Шунингдек, ўзаро тадбирлар режаси тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги, уларнинг ҳуқуқлари, оилани режалаштириш, гендер тенглиги, зўравонликни олдини олиш, фуқароларнинг ўсиш суръатлари мониторинги каби кўплаб масалалар ўрин олган. Ушбу меморандум асосидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ривожланишининг устуворлиги ва аҳоли ҳаёт тарзини яхшилашдаги саъй-ҳаракатларнинг бирлигини тасдиқлайди.

82,2 МЛРД. СЎМ МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИГА ТУШИРИЛДИ

АОКАда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раҳбарияти иштирокида жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар таҳлили юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Қайд этилганидек, шу пайтга қадар тизимда маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда оқсоқликлар кузатилаётган эди. Бунинг асосий сабаби — маҳалланинг умумий қиёфасини акс эттирувчи яхтил маълумотлар жамланмаси йўқ эди. Шу боис Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси йил аввалидан "маҳалла баланси"ни шакллантиришга киришди.

Матбуот анжуманида маҳаллалар Омбор китоби ишлаб чиқилгани, Бандлик дастури шакллантирилгани, маҳаллалар ихтисослашуви ўрганилиб, 2 млн. 605 мингта хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилгани ва 169 минг 870 та хонадонда қўшимча даромад манбаи яратилгани таъкидланди. Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига жуда катта самара берувчи "маҳалла бюджети" шакллантирилди. Жорий йилда ер ва мол-мулк солиғи ҳисобидан 822,6 млрд. сўм солиқ тушуми ундирилиб, 9 452 та маҳалла бюджетига 82,2 млрд. сўм даромад туширилди.

Январь ойидан бошлаб, бугунга қадар 189 та маҳаллага янги бино қурилди, 97 таси жорий, 40 таси капитал таъмирланди, 87 таси реконструкция қилинди. Йил якунигача 472 та маҳаллани бино билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

ТАБАРРУК МАСКАНЛАР ЗИЁРАТ ҚИЛИНДИ

"Май — маънавий-маърифий тадбирлар ойлиги" доирасида Навоий шаҳридаги "Чинор" маҳалласининг бир гуруҳ фаоллари, нурунийлари Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди.

Самарқандга саёҳат дастлаб Марказий Осиё мейморчилигининг ноёб намунаси саналган Амир Темур макбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Кейинги манзил — қадимий Самарқанд шаҳрининг юраги бўлмиш Регистон майдони ва унда қад ростлаган уч мадраса (Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари)ни зиёрат қилиш билан давом этди. Шундан сўнг зиёратчилар Биринчи Президент Ислам Каримов ҳайкали ўрнатилган майдон, у кишининг қабри қўйилган зиёратгоҳ ва бошқа тарихий аҳамиятга эга масканларга саёҳат қилишди. Маҳалла аҳли юртимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларни кўриб, улкан таассуротлар билан шукроналик кайфиятида қайтиб келишди.

СПЕКТАКЛЛАР АҲОЛИГА ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШДИ

Ойлик доирасида Нуробод туманидаги Мусиқа ва санъат мактабида Мажидий номидаги Каттакўрғон шаҳар драма театри актёрлари сахналаштирган "Жин девори" номли спектакль намойиш этилди. Спектаклга тумандаги "Наврўз", Амир Темур, "Қиличчи", "Шарқ юлдузи", "Машъал" маҳаллаларида истикомат қилувчи 180 нафар фуқаро, шундан 75 нафар эҳтиёжманд оила вакиллари ташриф буюрди. Спектакль маҳаллалар аҳлининг кайфиятига кўтаринкилик бахш этиб, маданий ҳордиқ чиқаришига замин яратди. Худди шундай, драма театри актёрлари Пахтачи, Нарпай ва Қўшработ туманлари маҳаллаларида яшовчи эҳтиёжманд оилаларнинг 400 нафардан ортик вакилига "Қайнона" спектаклини намойиш этишди.

"Еттилик" фаолиятига маҳалла раиси баҳо беради

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қарорга асосан, "маҳалла еттилиги" аъзоларининг фаолияти уларнинг ҳар ойлик иш режалари асосида амалга оширилади. "Еттилик"нинг ҳар бир аъзосига уларнинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, устувор тадбирлар ва вазифалар ажратилади. Маҳалла раиси ва "еттилик" вакилларининг фаолиятини KPI асосида баҳолашда ҳар ойлик иш режаларининг амалга

бажарилиши инобатга олинади. Бир ой мuddатда "Маҳалла еттилиги" аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш методикаси қайта ишлаб чиқилади. Бу жараёнда хотин-қизлар фаоли фаолиятини баҳолашда ички ишлар органлари таъйиқ ва/ёки зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга берган ҳимоя ордерлари сони инобатга олинмайди. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини баҳолашда "янги ташкил

қилинган субъектлар" кўрсаткичига асосан, уларнинг олис ҳудудларда фаолият юритаётганларига қўшимча коэффициент бериш имконияти ҳисобга олинади. Қарорга кўра, Маҳалланинг ягона платформаси доирасида маҳалла раиси томонидан "маҳалла еттилиги" аъзолари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш тизимини назарда тутувчи модуль ишлаб чиқилади. Ижтимоий ҳимоя миллий

МОҲИЯТ

агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ходимларнинг KPI маълумотлари шаклландиган ахборот тизимларини Маҳалланинг ягона платформасига интеграция қилади.



Саволга жавоб, муаммога ечим, албатта, тошилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳларининг ҳудудлардаги ўрганишлари давом этмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Кейинги манзил — Термиз туманидаги "Намуна" маҳалласи бўлди. Масъуллар бу ердаги хонадонларда бўлиб, "Сайхунобод тажрибаси" асосида қўшимча даромад манбаи бўлган томорқа, парранда ва бошқа тадбиркорлик йўналишларини ўрганди. Ҳар бир ўрганилган хонадонлар эгаларига ўзларини қизиқтирган саволларга тушунтириш берилиб, амалий ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

АНДИЖОНЛИК ЁШЛАР ЕРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНЯПТИМИ?

Андижон вилоятидаги ўрганишларда маҳаллаларда аҳоли муаммолари билан ишлаш, "маҳалла еттилиги" фаолиятини тизимли ташкил этиш, миграция, бандлик, ва аҳоли даромадини ошириш, маҳаллаларни ишсизликдан ва жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантиришда "еттилик"нинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш вазифалари белгилаб олинган.

Жараёнда Андижон шаҳар, Пахтабод, Марҳамат, Олтинқул, Избоскан, Асака, Андижон ва Бўстон туманларидаги маҳаллаларда "еттилик" фаолияти ва аҳоли муаммолари ўрганилиб, ҳар бир масъулга уларнинг ечими, ҳал этилиши бўйича жавобгар экани тушунтирилди. Хусусан, Ишчи гуруҳи Избоскан туманида бўлиб, "Чекёр", "Юқори", "Кўғай" ва "Ботиробод" маҳаллаларидаги "еттилик" фаолияти билан таниши, тегишли вазифалар белгилаб берилди. Аҳоли хонадонларига борилиб, "Сайхунобод тажрибаси" асосида томорқа маданияти, ундан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад манбаи

яратиш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берилди. Ўрганишлар давомида ёшларга ер ажратиб борасидаги ишлар таҳлил қилинди. Айтиш керакки, вилоятда 2024 йил бошидан ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида хатлов ўтказилиб, жами 16 669 нафар ер олиш истагида бўлган йигит-қиз рўйхати шакллантирилди. Уларга деҳқончилик мақсадида фойдаланиш учун 15 сотихдан жами 2 500 гектар ер майдони ажратилди. Ҳозирда ёшлар бу ерларга картошка, пияз, ловия, маккажўхори каби сабзавот ва дуккакли экинлар экиб, ер ва экинни доимий парваришлаб келмоқда.

ХОДИМЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ТУШУНТИРИЛДИ

Республика ишчи гуруҳининг Қашқадарё вилоятидаги ўрганишлари давом этмоқда. Ишчи гуруҳи Шаҳрисабз туманида бўлиб, "Хўжайросон", "Ширамон", "Обод" ва "Қўшчинор" маҳаллаларидаги "еттилик" фаолиятини кўздан кечирди, уларнинг хизмат вазифаларига оид тегишли кўрсатмаларни берди.

Китоб туманида "маҳалла еттилиги" ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқув-семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари маҳалла институтининг жамиятдаги ролини ошириш, унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ҳақида маълумот берди. Шунингдек, семинарда "маҳалла еттилиги"ни энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича баҳолаш тартиби, Маҳаллалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасининг вазифалари ҳақида сўз юритилди.

ИШЧИ ГУРУҲ

АҲОЛИ МУАММОЛАРИ — МАСЪУЛЛАР НИГОҲИДА

Хива туманида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Ишчи гуруҳи аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи муаммоларни ҳал қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва шу асосда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида фуқаролар билан очиқ мулоқот ташкил қилди. Мулоқот асосида бугунгача мурожаати ҳал бўлмаётган 13 нафар фуқарога субсидия асосида тикув машиналари берилди. "Қушчи каттабоб" маҳалласида кам таъминланган оилалар уйлари таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Маҳаллалар ички кўчаларига шағал ётқизиш ва асфальт қилиш ишлари дастурга киритилди.

Ҳазорасп туманида миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда миграциядан қайтиб келган 85 нафар ишсиз фуқаро жалб қилиниб, тумандаги мавжуд вакансиялар билан таништирилди ва кўпчилиги ўзларига мос иш ўринлари билан банд қилинди. Бундан ташқари, миграциядан қайтган 7 нафар хонадон аъзоларига субсидия асосида тикув машиналари берилди. Тиббий-қўриқ ташкил қилиниб, миграциядан қайтганлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги текширувдан ўтказилди.

ЧОРШАНБА — МАҲАЛЛАДА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ КУНИ

Президент 2024 йил 24 майда "Маъмурий ҳисоботлар доирасида ақли органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.



Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги масъул ходими.

Фармонга кўра, ҳуқуқий хизматлар қамровини янада ошириш мақсадида туман (шаҳар) адлия бўлимлари ҳар ой маҳаллаларда "Адлия куни" тад-

нунчилик ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини оддий ва халқчил тилда етказиш, шунингдек, "Online-mahalla" платформасига киритилган аҳолининг кундалик ҳаётидаги ҳуқуқий масалаларга оид муаммоларни ҳал этиб боришда кўмак берилади.

Фармонга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида "Маҳалла ҳуқуқшуноси" лойиҳаси амалга оширилиб, лойиҳа доирасида маҳалла раисларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини узлуқсиз ошириб боришга қаратилган қисқа мuddатли бепул ўқув курслари ташкил этилади.

Маҳаллаларда ҳар чоршанба — ҳуқуқий тарғибот куни этиб белгиланди. Бу жараёнда "Online-mahalla" платформасига киритилган ва жойларда аниқланган муаммоларнинг ҳуқуқий ечимларига қаратилган манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил қилинади. Ижтимоий ҳимоя мурожаат аҳоли қатламларига тарғибот

ҲУҚУҚ

ёшлар ва моддий ёрдам бериш, нафақа тайинлаш, ишсизликдан ҳолатланиш, вақтинчалик иш билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам олиш тартиби тушунтирилади.

2024 йил 1 июдан "Mobile-ID" тизимида фуқароларни идентификация қилиш, уларнинг хоҳишига кўра, ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспортини Давлат хизматлари марказлари орқали расмийлаштириш жараёнида композит шаклда амалга оширилади. 2024 йил якунига қадар давлат хизматларини кўрсатишда шахснинг биометрик идентификация қилиш (Face-ID) усули жорий қилинади. 2025 йил 1 январдан жисмоний шахсларнинг фуқаролик ҳолати ҳамда уларнинг шахсига доир бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи Аҳолининг ягона электрон реестри жорий этилади.



Эндиликда магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим учун ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШ сертификати талаб этилади.



Президент қарорига кўра, тадбиркорларга СУБСИДИЯ, ИМТИЁЗ ва преференцияларни тақдим этиш тартиблари такомиллаштирилади.



“2024 йилги футбол бўйича Жаҳон чемпионатида тайёрларлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ имзоланди.

ТАЖРИБА

Ижтимоий дафтардан ишбилармонликкача...

МАҲАЛЛАМИЗ АСОСИЙ “ДРАЙВЕРИ” – ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ХУНАРМАНДЧИЛИК

Айниқса, аҳоли хонадонидан томорқадан самарали фойдаланади. Бирор хонадонда бўш турган ерни учратмайсиз. “Сайхунобод тажрибаси” асосида натижалар янада яхшиланмоқда.

Ҳаётжон ЭРКАБОВЕВ, Фарғона шаҳридаги “Бешбола” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Фарҳод Умаров ховлисидан 2,5 сотихли иссиқхона ташкил этган. Бу ерда дастлабки йиллар лимон парваришlash йўлга қўйилиб, йилига 30 миллион сўм даромад топарди. Энди кўчатлар орасига қўшимча қизилча, шолғом каби маҳсулот экилиб, даромад икки баробар ошди. Ҳозирда Ф.Умаров томорқадаги иссиқхонадан 50-60 миллион сўм фойда кўрмоқда.

Яна бир маҳалладошимиз Абдулла Холматов. Дастлаб хонадонидан кўзқорин етиштиришни йўлга қўйган. Натижа ёмон бўлмади. Аммо бу иш мавсумий экани сабаб, оила 7-8 ой бўш қоларди. Шу боис ҳоким ёрдамчисига

мурожаат қилиб, имтиёзли кредит олди. Бу маблағ эвазига инкубатор харид қилди. Натижада оила йил давомида доимий иш билан банд бўлди. Даромад шунга яраша ошди.

Маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар энг муҳим вазифалар қаторига кирилади. Шу мақсадда кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳоли ўрганилади. Урганишга кўра, уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш материалларига эҳтиёжи бор, тиббий хизмат борасида амалий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланиб, бегараз ёрдам кўрсатишмоқда. Натижада кеча эҳтиёжмандлар рўйхатида турган оилалар бугун тадбиркор, хунарманд, камида ўзини ўзи банд қилганлар сафига қўшилмоқда.

Бундан бир йил аввал кўмакка муҳтож

бўлган Нигора Абдасова бугун йирик тадбиркорга айланди. Ҳа, тўғри ўқидингиз, бир йил аввал Нигора “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди. Норасмий иш билан банд бўлган турмуш ўртоғининг тоғани рўзгор камини тўлдиршига етмасди. Шунинг учун у оила бюджетига ёрдам беришни хоҳлади. Новвойчилик билан шуғулланиш истагида кўмак сўраб, маҳаллага мурожаат қилди. “Маҳалла еттилиги” аёлнинг имкониятини ўрганиб, унга новвойчилик учун зарур шaroит яратиб бериш мақсадида субсидия ажратди. Аввалига осон бўлмади, кейин ҳаммаси изига тушди. Бугун Нигора ёнган “Бешбола” бренди билан сотувга чиқаётган патирлар энг харидордир. Бир кунда 7 тандир нон ёпади. Даромад ойига 12 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Яна бир маҳалладошимиз иккинчи гуруҳ ноғирони Мавжуда Ҳасанова. Тикувчиликдан хабари бўлса-да, тикув машинаси йўқлиги боис кўни бекор ўтарди. Унга ҳам субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Натижада хунари ортидан ўзини ўзи банд қилиб, бугун яхшигина даромад топмоқда.



Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар энг муҳим вазифалар қаторига кирилади. Шу мақсадда кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий-маиший аҳоли ўрганилади.

ТАЖРИБА



ТОМОРҚА МАКТАБИ

БУЛҒОР қаламшири қандай етиштирилади?

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида хонадонлардаги бўш ер майдонларидан унумли фойдаланиш, томорқадан яхши даромад олиш кўникмаси шаклланди.

Азиза САЙФИДИНОВА, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши масъул ходими.

Аммо жараёнда соҳага доир саволларга жавоб топишда мутахассис маслаҳатига эҳтиёж пайдо бўлаётгани сир эмас. Аънаана кўра, қўйида томорқада булғор қаламшири етиштириш бўйича фойдали тавсиялар билан ўртоқлашамиз. Булғор қаламшири рўзгорда йил давомида севиб истеъмол қилинади. Бир сотих ер учун 500 дона булғор қаламшири кўчати талаб этилади, 50-60 кундан сўнг ҳосили йиғиб олинади. Ҳосилдорлиги 1 сотих ердан ўртача 350 кг. ташкил этади. Эртапишар Нарғиза, Тонг, Жайхун F1, ўртапишар Заря Востока, Юлдаз, Сабо навлари экишга яроқли.

Кўчат тайёрлаш ва танлаш ўзига хос билим талаб қилади. Экиладиган ширин қаламшир кўчатлари 40-45 кунлик, 6-7 баргли, пояси ва илдири бақувват ривожланган, барги тўқ яшил тусда, соғлом бўлиши лозим. Бир сотих майдонга кўчат тайёрлаш учун 8-10 грамм уруғ экилади. Помидор кўчати каби парваришлай, экишга тайёрланади.



Экиш қоидасига кўра, ширин қаламшир кўчати қатор ораси 70 см., туп ораси 30 см. бўлади. Эртаги кўчатлари 10-20 апрелда, кечкиси эса 20 апрелдан 10 майгача ерга қалади.

Ўсимликларга биринчи ишлов бериш кўчатлар тўтиб олгач, яъни экилгач, 10-12 кундан кейин бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришладан 12-15 кун ўтгач, иккинчи сув берилди. Тупроқ етилгач, яна бир бора чопик қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ кўчатнинг атрофига босилади. Ширин қаламшир ўсимлиги яхши ривожланиб, мўл ҳосил бериши учун илдири жойлашган қатлам ҳаво билан таъминланган бўлиши керак. Бунинг учун сув эгат оралатиб қуйилгани маъқул.

Ўғитлашда ширин қаламширда органик ва минерал ўғит бирга солинганда янада самарали бўлади. Бунда 200-300 кг. гўнг, 1,5-2 кг. калий хлор, 2,3-2,5 кг. аммофос кузги шудгорлашдан ерларда 8-10 марта сўғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8-12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда 5-7 кунда сўғорилади. Ҳақдан ортиқ заклатиб юборилса, сўлиш касаллигига чалинади, шунинг учун тупроқнинг намланиши ўсимлик поясига 5-10 см. қолганда сўғоришни тўхтатиш лозим.

Мевасини кўклигида ҳам, қизарганида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Ширин қаламшир кўклигида йиғиб олинса, ҳосил миқдори нисбатан кўп бўлади. Кўклигида йиғиб олинмаса, 20-30 кун ичида қизил тусга киради ва мевасида А ҳамда С витаминлари анча ошади. Ҳосил йиғишда меваларни кесиб олишга ҳаракат қилиш лозим, акс ҳолда экин новдалари синиб кетиши мумкин.

“Ўзини ўзи банд қилганлар сафи ортиб борапти”

Маҳалламизнинг 80 фоиз аҳолиси, кўпроқ ёшлар, экспорт қилувчи корхоналарга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (мева-сабзавот) етказиб беради.

Ҳакимжон ШОМАТОВ, Олтиариқ туманидаги “Юксалиш” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

2022 йилдан ҳоким ёрдамчиси лавозимидан ишлаб келаман. Маҳалламизда 1 та санаот ишлаб-чиқариш корхонаси, 11 та кичик бизнес субъекти ва 12 та хизмат кўрсатиш объекти, 6 та озиқ-овқат савдо дўкони мавжуд. Аҳоли сони 3 050 нафар. Маҳалла “драйвери” – деҳқончилик. Бундан ташқари, 60 та хонадон иссиқхонада кўчатчилик билан шуғулланади.

Худуддаги оилаларнинг ижтимоий аҳоли, томорқадан фойдаланиш даражаси, тадбиркорлик билан шуғулланишга иштиёқини аниқлаб олишда уйма-уй ўтказилаётган “хонадонбай” хатлов яхши самара бермоқда. Жорий йил бошида ўтказган хатловда эҳтиёжмандлар аниқланиб, уларнинг даромадини ошириш бўйича манзилли “йўл харитаси” ишлаб чиқдим. Ҳар бирига алоҳида ҳужжат юритиб, олдимга ойлик даромадини ошириш вазифасини қўйдим.

Бандликни таъминлашда хонадондаги меҳнатга лаёқатли фуқароларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шундан сўнг уларга даромад топиши учун асбоб-ускуна ажратиш яхши натижа бермоқда. 7 нафар “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га кирган фуқарога шартада тикув машинаси, электр печ, компьютер ажратилди. Улар бугун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолият юритмоқда.

Маҳалладаги ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашда томорқадан самарали фойдаланяпмиз.

Сир эмас, Олтиариқда миришкор деҳқонлар кўп. Тупроғи унумдор, ҳудуд одамлари нафақат узумчилик, балки кўчатчиликда ҳам ўзига ҳос мактаб яратган. Янги иш ўринлари яратиш, ўзини ўзи банд қилишда мана шу омиллардан фойдаланяпмиз. Талабдорларга ажратилган имтиёзли кредит эвазига ўзини ўзи банд қилганлар сафи ортиб бормоқда.

Улардан бири 15 сотихли томорқада 8 та доимий иш ўрни яратган Бехзод Мамадалиев. Унга 100 миллион сўм имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик. Асли деҳқон фарзанди бўлгани учун ишни ташкил этиш қийин кечмади. Бугун томорқада икки нафар ўғли билан ота касбинини давом эттирмоқда.

Бехзод аканинг кўчатлари нафақат Фарғонада, балки бутун республикада харидордир. Хонадоннинг 3 та иссиқхонаси бор. Унда қаламшир кўчатлари етиштирилиб, асосан, янги навлар яратиш, харидорлар истагига мос кўчатларни парваришлашга эътибор қаратилган. Хонадондаги иссиқхоналар бир зум бўш қолмайди. Кўчатлар йиғиштириб олингач, навбатдаги мавсум учун яна кўчат экилаверади.

Бугун Бехзод Мамадалиев ер билан чинакам тиллаша оладиган миришкорга айланди. Шу боис экинларни қайси вақтда, қандай парвариш қилиш кераклигини билади. 2013 йилда томорқасининг 11 сотихида иссиқхона қургач, 4 сотих ери бўш қолган. Унга узум экди. Олтиариқда узум экилмаган хонадон топа олмайсиз. Тагига чиринди ва чувалчанг

ташлаб, биогурус тайёрлашга киришди. Бу ҳам миришкор деҳқонни қониқтирмай, узумни тағидида биогуруслар устига рўзгор учун сабзавот экиб, парваришлади. Ҳосилдорлик янада ошди. Чунки табиий озуқа экинларнинг ҳосилдорлигини оширди.

Гувоҳ бўлганингиздек, унча катта бўлмаган томорқада бугун ҳамма нарса бор. Оила бозордан бирор маҳсулот сотиб олмайди. Ҳар йили 200 млн. сўмдан ортиқ даромад топмоқда. Мухими, йил давомида барака узилмайди.

2024 йилда ҳам маҳаллада бу каби ишларни давом эттиришни режа қилганмиз. Хатловда аниқланган 88 нафар ишсизларни доимий ишга жойлаштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидамиз. Бундан ташқари, 1-тоифа(даромади камбағаллик чегарасидан кам бўлган оилалар) га киритилган 132 та оилани камбағалликдан чиқариш бўйича тузилган “Индивидуал дастур”лар ижросини таъминлашни кўзлаганман. 10 та ташаббускорлар лойиҳасини амалга оширишда зарур молиявий маблағлар жалб этишни мақсад қилганман. Бугунгача Бизнесни ривожлантириш банкидан 3 нафар фуқарога 100 миллион сўмдан кредит олишга эришдик.

Ўрни келганда ишимизни янада самарали қиладиган тақлиф билдирмоқчимман. Маҳалламизнинг 80 фоиз аҳолиси, кўпроқ ёшлар, экспорт қилувчи корхоналарга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (мева-сабзавот) етказиб беради. Шунини инобатга олиб, маҳсулотларни бир ерга жамлаб, экспорт билан шуғулланувчи кооперация ташкил этиш керак, деган фикрданман. Мутасаддилар тақлифимизга эътибор қаратишса, яна қўшимча иш ўринлари яратиларди.



Сурхондарёдан 4 минг йиллик тарихга эга қабрлар ва 2 минг йиллик тарихга эга ШАҲАР ҚОЛДИҚЛАРИ топилди.



Ўзбекистонда ер қаъридан фойдаланиш қоидабузарликлари ҳақида хабар берганларга ПУЛ МУКОФОТИ берилди.



Вазирлар Маҳкамаси вейп ва қиздириладиган тамаки маҳсулотлари учун ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТНИ жорий қилди.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ТАВСИЯСИ БИЛАН



2024 йилдан бошлаб, ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идоралар тизимида ёшлар билан ишлаш бўйича янгича ёндашув жорий этилди. Ёшлар етакчиси тавсияси билан бериладиган ёрдам турлари қайта ишлаб чиқилиб, асосий эътибор уларни замонавий касб-хунарга ўргатишга қаратилмоқда. Бу ўзгаришлар маҳалламизда ижобий самарасини бермоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Санжарбек ИМИНЖОНОВ, Чиноз туманидаги "Бирлик" маҳалласи:
— Маҳалла ёшлари ўртасида ўтказиладиган "Беш ташаббус олимпиадаси" ҳақида тўлиқ маълумот бера оласизми? Бу мусобақада барча ёшлар иштирок этиши мумкинми?

“Беш ташаббус олимпиадаси”да кимлар қатнашади?



Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— “Беш ташаббус олимпиадаси” мусобақалари Президентнинг “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган. Мусобақада маҳалланинг барча ёшлари иштирок этиши мумкин. Асосий мақсад маҳаллаларда ёшлар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этишни янги босқичга олиб чиқишдан иборат.

Қарорга кўра, 2022 йилдан бошлаб, ҳар йили аъънавий тарзда 30 июнь — Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни ҳамда декабрь ойида ўтказиладиган “Ёшлар форуми” доирасида спортнинг футбол, мини-футбол, волейбол, теннис, стритбол, воркаут турлари бўйича беш босқичли оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш тизими жорий этилган.

Биринчи босқичда — кўчаларо маҳалла мусобақалари, иккинчи босқичда — маҳаллаларо сектор мусобақалари, учинчи босқичда — сектор мусобақаларида бўлиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида туман (шаҳар) мусобақалари, тўртинчи босқичда — туман (шаҳар) мусобақалари бўлиб маҳалла жамоалари ўртасида вилоят мусобақалари, бешинчи босқичда — вилоят мусобақаларида бўлиб бўлган маҳалла жамоалари ўртасида республика (финал) мусобақалари беш босқичли «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ўтказилади. Бу мусобақада иштирок этишни хоҳловчи ёшлар ҳудуддаги ёшлар етакчисига мурожаат қилиши мумкин.

Ўзгаришлар ижобий самара беради

Наврўз ҲАКИМОВ, Мирзачўл туманидаги “Бойбон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Йил бошида ўтказилган хатлов асосида ёшлар муаммосини ечими бўйича чораклик режа ишлаб чиққанман. Бу режада кунлик вазибалар белгиланган. Масалан, ҳафтанинг биринчи кунинда неча эшикнинг муаммосини ҳал этиш белгиланган бўлса, уларнинг аниқ манзили бўйича иш ташкил этилган. Самардорлик шунга мос тарзда ошиб бормоқда. Мухими, кунлик режа ижроси билан чораклик вазибаларим камайиб бормоқда. Бунда муаммолар муҳимлиги даражасига қараб, кетма-кетликка амал қилинман. Эришган натижаларни рақамларда

айтадиган бўлсам, жорий йилнинг шу давригача 3 нафар ишсиз ёшга 50 сотихдан ер ажратилди. 6 нафар ёшни шартнома пули тўлаб берилди. 3 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

Обид Ҳолибоев бир неча йилдан бери кўшни Қозоғистонда меҳнат муҳожири бўлиб ишларди. Иссиқхонада тажриба ошириб қайтгани учун ўзимизда шу йўналишда мустақил фаолият бошлаш таклифини бердим. Бунинг учун яратилган имкониятлар билан таништирдим. 10 миллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашдим. Утган йили томорқасидаги 1,5 сотих бўш ерга иссиқхона қурганди. Натижа кутганидан яхши бўлди. Жорий йил яна 1,5 сотих майдонда иккинчи иссиқхонани ташкил этди. Бирида боднинг, иккинчисида помидор етиштиряпти. Ойига 5 миллион сўм

даромад қилмоқда. Турмуш ўртоғи ва ўзи доимий иш билан банд.

Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ишсиз ёшлардан Афзалшоҳ Ҳасановга 50 сотих ер ажратилди. Мутахассислар тавсияси билан ерга биринчи йили япон ошқовоғи уруғини қадади. Ҳозир баравж ривожланмоқда. Сентябрь ойида пишиб, етилади. Маҳсулот ректаридан 50 тонна ҳосил беради. Агар ўтган йилги нарх билан ҳисобласак, ўртача 2 минг сўмдан сотилади. Бу 100 миллион сўм даромад, дегани. Афзалшоҳ 50 сотихдан 50 миллион сўм даромад олишни режа қилаяпти. Ёшлар етакчиси ваколати доирасида Турсуной Орзуқуловага

субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик. Бу кизимиз ишсиз сифатида “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинган. Қисқа вақтда даромадга кириб, кунига 50-100 минг сўм фойда кўрмоқда. Асосан, буюртмага турли кураклар тикади.

Йил бошидаги хатловда ёшлар билан суҳбатлашганимизда, асосан, бандлик масаласида муаммо кузатилди. Айниқса, олий таълим муассасаси битирувчиларига мутахассислиги бўйича иш топиш қийин бўляпти. Бундан ташқари, ўрта тиббиёт йўналиши битирувчиларига иш ўрни етишмаяпти.

Охири хатлов жараёнида ёшлар ўз таклифини билдирди. Кўпчилигининг фикрича, туманда ёпиқ сўзиш ҳавзасига эҳтиёж бор. Мирзачўллик ёшлар ҳозирча спортнинг бу тури билан шуғулланишни орзу қилишади.

“ИБРАТ ФАРЗАНДЛАРИ”

Хорижий тилларни бепул ўрганиш имконияти

Ақсарият йигит-қизлар хорижий тилларни ўрганишга қизиқади. Бунинг учун ўқув марказларига мурожаат қилади. Юртимиздаги ўқув марказларининг нархи ўртача 500-600 минг сўмни ташкил этишини инобатга олсак, икки ёки уч болани ўқитаётган барча ота-оналарда молиявий имконият етарли эмас.



Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Бугунги кунда “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ана шундай муаммоларга ечим бўлмоқда. Ҳар бир маҳаллада хоҳловчилар хорижий тилларни бепул ўрганиш имкониятига эга. “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида бу ҳақда алоҳида банд киритилиб, ёшлар етакчилари маҳалладаги ёшларга намуна бўлиш, шахсий ривожланиш мақсадида «Ибрат фарзандлари» лойиҳаси доирасида камида 1 та хорижий тилини мукамал ўр-

ганиши белгиланган. Шу асосда хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар етакчилари кўпчиликни ташкил этади. Улардан бири Бектемир туманидаги “Мажнун-тол” маҳалласи ёшлар етакчиси Замира Раҳматўжаева.

Қизиқиши сабаб лойиҳа орқали рус, инглиз ва турк тилларини ўрганишни бошлаганди. Белгиланган мезонга кўра, имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, сертификатни қўлга киритди. Ўз навбатида маҳалла ёшларига имкониятдан самарали фойдаланишни тавсия этди. Шахсий намуна бўлгани учун ортидан эргашганлар сони кўпайди. Қувонарлиси, бугун маҳалладаги 1 300 нафар ёшнинг 20 фоизи “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси орқали хорижий тилларни бепул ўрганапти. 36 нафари “IELTS” дан

юқори натижага эришган. Яна бир қаҳрамонимиз — Жарқўрғон туманидаги “Қумкишлоқ” маҳалласи ёшлар етакчиси Эргаш Норбоев. У ҳам платформа орқали хорижий тилни ўрганапти. Мухими, етакчига эргашган маҳалла ёшлари сафи кенгаймоқда.

Улардан бири 20 ёшли Элбек Дуллиев. Бу йигит платформа орқали хорижий тиллар мутахассисига айланган, десак муболага эмас. Лойиҳа доирасида 2023 йил январь-февраль ойларида немис тилини ўрганишни бошлаганди. Етти ой мобайнида пухта билим олганидан сўнг август ойида Ўзбекистон жаҳон тиллари университетига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, энг юқори балл тўплади ҳамда давлат гранти асосида талабалikka тавсия этилди. Лойиҳанинг афзаллиги бепул, ёш танламайди ва инсталган пайтда фойдаланиш имконини беради. Бу имкониятни яхши англаган Элбек шу билан тўхтаб қолмади. Кейинги босқичда турк тилини ўрганишга киришди. 3 ойда кўзлаган натижага эришди. Ҳозир иккита тилда бемалол гаплаша олади. Тил билиш даражаси B1+ ни ташкил қилади.

Қисқа муддатда 800 мингдан ортиқ ёшларни ўзида бирлаштиришга муваффақ бўлган “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси бугун йигирмадан ортиқ хорижий тилларни онлайн тарзда бепул ўргатиб келмоқда. Гўвоҳ бўлганингдек, лойиҳа тақдим этаётган ўқув мажмуалари, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ҳамда молиявий имконияти чекланган, лекин хорижий тилларни ўрганишга иштиёқманд маҳалла ёшлари учун жуда манфаатли бўлмоқда.

БИЛАСИЗМИ?

Ёшлар етакчиси фаолияти қайси мезон ва тартибга кўра баҳоланади?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ҳар бир етакчининг иш фаолиятини баҳоловчи электрон рейтинг тизими (KPI) жорий этилган.



Мардонбек ЭШҚУЛОВ, Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси.

Унга кўра, фаолияти 100 баллик тизим асосида маҳалла ёшларининг “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг спорт йўналишига иштирокчилар қамрови бўйича 25 балл, “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг маданият, санъат, интеллектуал ўйинлар ҳамда китобхонлик йўналишида иштирокчилар қамрови бўйича 25 балл, “Ёшлар дафтари” орқали ёшлар бандлигини таъминлашга 25 балл, белгиланган

давр оралиғида ёшларни касб-хунарга ўқитиш даражасига 15 балл, “Ибрат фарзандлари”даги иштироки учун 10 балл билан баҳоланади.

Ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сисъатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган мамлакат бўйича энг илғор 100 нафар етакчиларга бир ойлик иш ҳақиқа тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти берилди. Фаолиятини самарали ташкил этаётган, шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётганлар «Янги Ўзбекистон ислохотчиси» кўрак нишони билан тақдирланади.

Иш фаолияти натижасига кўра, етакчилар Миллий кадрлар захирасига киритилади ва танловсиз тўғридан-тўғри юқори лавозимларга ўтказилади. Бундан ташқари, икки йиллик меҳнат фаолияти натижаси асосида лавозимини ошириш юзасидан вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига таклиф киритилади.

Бугунги кунгача ушбу тартиб асосида 200 нафардан ортиқ ёшлар етакчилари Салоҳиятли кадрлар резервига киритилиб, ҳар бир ҳудудда “Келажак лидерлари” клублари ташкил этилди, уларга истиқболли Ёшлар етакчилари аъзо бўлди.

Давлат бошқаруви академиясида “Келажак лидерлари” махсус ўқув курси ташкил этилди, унинг доирасида ёшлар етакчилари вазирлик ва идораларда тажриба оширди. Ёшлар етакчилари орасидан салоҳиятли ва иқтидорлиларини ажратиб олиш, уларни мақсадли равишда раҳбарликка тайёрлаш ва кадрлар захирасига киритиш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги 100 нафар ёшлар етакчисини саралаш олди.

Саралашда олий маълумотга эгалиги, Салоҳиятли кадрлар резервига киритилганлиги, намунали фаолият кўрсатаётганлиги, турли танловларда совринли ўринларни эгаллаганлиги, натижасининг юқорилиги ҳамда маҳалладаги ёшларнинг ижобий фикри асосий мезонлар сифатида хизмат қилди. Ушбу тартиб бўйича 22 нафар, жами ёшлар етакчиларининг эса 500 нафардан ортиғи лавозим бўйича кўтарилди.



Мўйноқдаги кемалар қабристонда электрон мусиқа, санъат ва илм-фанни бирлаштирган «Стихия» фестивали бўлиб ўтади.



Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида "БАХОДИР ЯЛАНГ'ОШ" тарихий-бадий фильмининг тақдими ўтказилди.



Ўзбекистонда 2024 йилнинг январь-апрель ойларида ФХДЭ органларида 63,9 мингта НИКОХ ҲОЛАТЛАРИ қайд этилган.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ



Уй-жой ва ер билан боғлиқ муаммолар бор

2024 йил апрель ойида "Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти" ахборот тизимида баҳолаш натижаларига кўра, Сурхондарё вилоятидаги 724 та маҳаллага бириктирилган 266 нафар солиқ инспекторининг самарадорлик кўрсаткичи 94,3 баллини ташкил этиб, республикада энг юқори натижага эришди.

Зариф ХУРСАНОВ, Олтинсой туманидаги "Нурафшон", "Жобу" ва "Чеп" маҳаллалари солиқ инспектори.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмади. Аввало, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган "маҳалла еттилиги" сабаб бўлди. Мен ҳам ўзимга бириктирилган учта маҳаллада "маҳаллабай" ишлаш тизими асосида бўш турган объектларни хатловдан ўтказиб, мулкдорларга мазкур объектлардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар бердим. Натижада икки нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, янги иш ўрни яратди. 13 та ҳужжалик юриштунчи субъектда олиб борилган тушунтириш ишлари натижа-сида 19 нафар норасмий ишчи фаолияти легаллаштирилди. Ноконуний тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғул-ланаётган 9 нафар фуқаро белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Аҳоли ўртасида "маҳалла еттилиги" ҳамкорлигида олиб борилган тарғибот-тушунтириш ишлари давомида 153 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Имти-ёзли кредит олган кўплаб фуқаролар новвойичлик, дераза ромларини ясаш,

тикувчилик, уй шароитида иссиқхона маҳсулотларини етиштириш каби фао-лият турлари билан шуғулланиб, доимий даромад манбаига эга бўлди. Айни пайтда "Нурафшон", "Жобу" ва "Чеп" маҳаллалар-да 85 та тадбиркор, 805 нафар ўзини ўзи банд қилган шахс, 50 та фермер ҳўжалиги ҳамда 23 та деҳқон ҳўжалиги бор.

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида уй-жой ва ер масалалари билан боғлиқ муаммолар бор. Айрим фуқароларнинг турар-жой ва ерлари Кадастр агентлиги маълумотлар базасига киритилмаган бўлса, баъзи фуқароларнинг турар жой-лари вафот этган яқин қариндошларининг номида. Бундан ташқари, аҳоли томонидан ноконуний эгалланган ерлар бор. Яъни, кадастр ҳужжатида ер май-дони 10 сотих деб кўрсатилган бўлса, улар эгаллаган ҳудуд 20 сотих ёки ундан ҳам кўпроқ. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 12 нафар фуқаронинг уй-жойлари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш мақсадида манзилли тарғибот тадбирлари ўтказилиб, тадбиркорларга харид чекини бериш, товар айланмаси ҳамда ишчи-ходимлар сонини яширмаслик кераклиги тушунтирилмоқда. Мана шундай тадбир-

лар давомида 66 та товар айланмасини яшириб кўрсатган АОС тўловчилардан қайта ҳисобот олинишига эришилди. Натижада бюджетга 10,5 миллион сўм қўшимча маблағ йўналтирилди.

Аҳоли билан ўтказилаётган учрашув-ларда ҳам, манзилли тарғибот тадбирлар давомида ҳам солиқларнинг давлат ва жамият равнақидаги аҳамияти, маҳаллий бюджетга йўналтирилган қисми ҳисо-бидан айнан ўз маҳаллаларида амалга оширилаётган амалий ишлар тўғрисида маълумот бериб бораёلمиз. Чунки фуқаро-лар нима учун солиқ тўлаётганини ва йиғилган солиқлар нималарга сарфла-нишини билса солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади. Солиқ саводхонлигининг ортиси эса солиқлар йиғилувчанлигининг ошишига хизмат қилади.



Р.С: Зариф Хурсанов вилоятдаги 724 та маҳаллага бириктирилган 266 та солиқ инспектори орасида энг юқори натижа – 96,8 баллини қайд этиб, Солиқ қўмитаси раисининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Имтиёзлар рейтинг даражасидан келиб чиқиб белгиланади

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Президентнинг 2024 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни тақдим этиш тартибларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан солиқ ва боғжона имтиёзлари, субсидиялар ва преференция(имтиёз)ларни юридик шахсларнинг рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда тақдим этиш тартиби тасдиқланди.

Бунда:

Рейтинги ўрта ва юқори бўлган тадбиркорлар-га имтиёзлар амалдагисига нисбатан қуйидаги миқдорларда тақдим этилади:

юқори тоифага – 80-100 фоиз

– "AAA" – 100 фоиз;

– "AA" – 90 фоиз;

– "A" – 80 фоиз;

ўрта тоифага – 50-70 фоиз

– "BBB" – 70 фоиз;

– "BB" – 60 фоиз;

– "B" – 50 фоиз.

Ушбу миқдорлар аввал берилган имтиёзларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Маълумот учун, бугунги кунда 76 минг кор-хонанинг рейтинг даражаси "B" ва ундан юқори. 2023 йилда 25,1 мингта корхонага 15 трлн. сўм солиқ имтиёзи берилган.



Шунингдек, имтиёзлар фаолият бошлаганига 6 ой бўлмаган тадбиркорларга ҳам берилади.

Президентнинг 2022 йил 30 декабрдаги "Рес-публика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тад-биркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалашти-рилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида кўра, 4 ва 5-тоифадаги туманларда фаолият юритаётган тадбиркорларга имтиёзлар, уларнинг рейтинг даражасидан қатъи назар амалдаги миқдорларда тақдим этилади.

Бугунги кунда 4 ва 5-тоифадаги 60 та туманда жами 105,7 мингта корхона фаолият юритаётган бўлиб, 8,8 мингтасининг рейтингини "B" ва ундан юқори.

Тадбиркорларнинг рейтинг даражаси:

– **пайсаганда**, имтиёзлар бериш 3 ой давоми-да сақлаб қолинади;

– **юқорилаганда**, имтиёзлар кейинги ойдан бошлаб, янгиланган рейтинг даражасига мувофиқ миқдорларда тақдим этилади.

Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

СОЛИҚ ҚўЛЛАНМАСИ

МЕНДА САВОЛ БОР..

Якка тартибдаги тадбиркор бўлмоқчимисиз?

Юридик шахс ташкил қилмасдан шунчаки рўйхатдан ўтиб якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мумкин. Бунинг учун қуйидаги икки усулдан бирини танлаш лозим.

Биринчиси, Давлат хизматлари маркази-га мурожаат қилиш орқали бўлса, **иккинчиси**, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун new.birdarcha.uz сайти орқали ариза бериш мумкин.



Давлат хизмат-лари марказига шахсан келиб ариза берилса, тўлов БХМнинг 1 баравари, ин-тернет орқали ариза берил-ганда БХМнинг 0,9 бараварини ташкил этади.

Агар Давлат хизматлари марказига шах-сан келиб ариза берилса, БХМнинг 1 бара-вари миқдориди (340 000 сўм) давлат божи тўланади. Интернет орқали ариза берилган-да тўлов БХМнинг 0,9 бараварини ташкил этади (306 000 сўм).

Шундан сўнгра, ЯТТга рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома берилади.

Товар (хизмат)лар реализацияси 100 млн. сўмдан ошмаган ЯТТлар давлат рўйха-тидан ўтказилаётганда даромад солиғини тўлашнинг қуйидаги режимларидан бирини танлаш ҳуқуқига эга:

– жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларация асосида;

– қатъий белгиланган миқдорда.

Қатъий белгиланган миқдорлардаги да-ромад солиғи давлат рўйхатидан ўтган ойдан кейинги ойдан бошлаб, ҳар ойда 15-санадан кечиктирмай тўланади.

ЯТТнинг товар (хизмат)лар реализация-сидан олинган даромади календарь йилида – 100 млн. сўмдан ошса, АОС тўлашга;

– 1 млрд. сўмдан ошса, ҚҚС ва фойда со-лиғини тўлашга ўтади.

ЯТТ ижтимоий солиқ ҳам тўлайди:

– ўзи учун ойига камида БХМнинг 1 бара-вари – 340 000 сўм;

– савдо мажмуалари ва бозорларда фаоли-ят юритувчи ЯТТларнинг ёлланма ходимлари учун ойига БХМнинг 0,5 баравари – 170 000 сўм;

– фаолиятнинг бошқа соҳаларида ёллан-ма ходим учун йилга БХМнинг 1 баравари – 340 000 сўм.

ЯТТлар 5 нафаргача ходим ёллаш ҳуқуқ-ига эга.

Маълумот учун, Ўзбекистонда 1 май хо-латига, 274 мингдан ортиқ якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда.

Исмаилов СЕВИНЧОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Ижтимоий солиқ ҳисобланиши қандай тўхтатилади?

– Якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятини тўхтатсам ҳам нима сабабдан менга ижтимоий солиқ ҳисобланапти?

Гулчирай НОСИРОВА, Қашқадарё вилояти.



Абдуқохор МАҲМУДОВ, Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи:

– Якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказувчи орган (Давлат хизматлари марказлари) орқали тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб турган бўлса, солиқ органи кейинги иш кундан кечиктирмай бу ҳақда ах-борот олади ва ЯТТнинг ўзига ижти-моий солиқ ҳисоблашни тўхтатади.

Агар фаолиятини тўхтатаётган ЯТТнинг ёлланган ходимлари бўлса, ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкаларини ўзи ҳисобда турган солиқ органига тақдим этиши лозим. Бунинг учун ходим билан тузилган

меҳнат шартномасини бекор қилиши ва 1 иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига ха-барнома юбориши лозим.

Давлат солиқ хизмати органи хабарнома қабул қилинган куннинг ўзида ходимни ҳисобга қўйиш кар-точкасини бекор қилади. Ушбу кар-точкалар ЯТТнинг ходимларига ижти-моий солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Агар фаолиятини тўхтатиб турган ЯТТ ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкасини солиқ органига топширмаса, улар учун ижтимоий солиқ ҳисобланиши тўхтатилмайди.



Бу йил мактабларнинг 11-синфини республика бўйича жами 414,6 МИНГ НАФАР ЎҚУВЧИ тамомлади.



Айрим тоифадаги шахсларга БЕНЗИН УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ миқдори 128 700 сўм этиб белгиланди.



Ўзбекистонда экологик вазиятни баҳолаш ва прогноз қилиш учун ЯГОНА МОНИТОРИНГ ТИЗИМИ ишга туширилади.

Маҳаллалар хавфсизлиги текширилди

Туманларда криминоген вазиятни яхшилаш борасидаги ижобий тажрибалар "қизил" тоифага тушган маҳаллаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил қилинмоқда.

Жиноятларнинг аксарияти тунги вақтларда содир этилиши ҳисобга олиниб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида криминоген оғир маҳаллаларга тунги навбатчиликка жалб этилган зарур куч ва воситалар тақсимланиб, муаммоларни маҳаллаларнинг ўзида ечишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Пулат Бобонозов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳрининг Юнусобод ҳамда Мирзо Улуғбек туманлари



● Содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларда бириктирилган ходимларнинг шайлик ҳолати назорат тариқасида текширилди.

ички ишлар бўлимлари шахсий таркиби жамоатчилик билан ҳамкорликда тунги вақтларда ташкил этилаётган ишларни ўрганди. Текширув жараёнида пойтахт ҳудудига кириш ва чиқиш йўналишларида хавфсизлик чораларининг тўғри ва тизимли ташкил этилгани Юнусобод туманидаги "Уч қаҳрамон" ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги "Қорамурт" йўл патруль хизмати масканлари мисолида ўрганилди.

Ишчи гуруҳ шахсий таркиби хизматни тизимли, масъулият ва ҳушёрлик билан ташкил этишига эътибор қаратиб, уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди. Бунда асосий эътибор масканларнинг маъмурий ҳудудларида видеокузатув қамрови оширилиши, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши, пидедалар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларга қаратилди.

Шунингдек, Юнусобод туманида янги

фойдаланишга топширилган туманнинг "Халқабое", "Барҳаёт", "Кулолқўрғон" ҳамда "Мурувват" маҳаллаларини қамраб олган 2-соли ҳуқуқ-тартибот маскани фаолияти билан танишилди. Ҳуқуқ-тартибот маскани тасарруфидаги маъмурий ҳудудда жиноятлар сони деярли икки бараварга камайгани ҳамда битта маҳаллада умуман жиноят содир этилмагани алоҳида эътироф этилди.

Мазкур ижобий тажрибаларни бошқа туман ИИБларига татбиқ этиш, тунги вақтда маҳаллаларда ҳуқуқбузарликни барвақт олдини олиш, ҳисобда турган шахслар, нотинч оилалар ҳамда уюшмаган ёшлар билан "хонадонбай" ва "фуқаробай" иш ташкил этиш ҳамда жиноятларнинг сабаб ва омилларини тизимли ва илмий таҳлиллар орқали аниқлаб, келгусида уларнинг барвақт олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Мир-

зо Улуғбек тумани "Экобозор", "Атлас" ва "Чимган" савдо мажмуаларида аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда хавфсизлик чораларига эътибор қаратилди. Содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларда бириктирилган ходимларнинг шайлик ҳолати назорат тариқасида текширилди.

Савдо мажмуаларида хавфсизликни таъминлашга жалб қилинган ходимларнинг ахборотлари тинглиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда хизматни ташкиллаштириш борасида тегишли кўрсатмалар берилди.

Тадбир жараёнида асосий эътибор, хизматни тизимли равишда масъулият ва ҳушёрлик билан ташкил этишга қаратилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

ИИБ Ахборот хизмати



ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Навбатдаги ташаббусимиз асосида жамоат жойлари, хусусан, чойхона, умумтаълим мактаби, савдо дўконлари жойлашган ҳудудлар ҳамда асосий кўчаларга кузатув камералари ўрнатилди. Улар шунчаки, кузатув камералари эмас, балки 360 градус радиусда атрофни тўлиқ назоратга олади. Яна бир қулайлиги, унда гапириш ва эшитиш мосламаси бор.

“Қизил” тоифадан “яшил”га ўтдик

Матёқуб МАТЁҚУБОВ, Янгиёрақ туманидаги "Остона" маҳалласи катта профилактика инспектори.

Икки йилдан буён "Остона" маҳалласининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида хизматдадим. Келганимда маҳалла жиноятчилик бўйича "қизил" тоифада эди. Ҳудудда кўпроқ тан жароҳати, асосан, оилавий ва кўни-кўшилар иштирокидаги ўзаро жанжаллар билан боғлиқ жиноятлар қайд этилган.

Шу боис дастлабки иш фаолиятини фуқаролар билан мулоқот қилишдан бошладим. Асосий муаммоларни аниқлаб, уларни биргаликда ҳал этиш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Дастлаб фаол фуқаролар ҳамда ёшлардан иборат тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этилди. Улар тунги вақтда маҳалла осойишталигини таъминлашга кўмаклашмоқда. Фуқаролар билан тезкор алоқада бўлиш



учун маҳалла гуруҳини ташкил этганимиз. Барча масалалар ушбу гуруҳда тезкор ҳал этилади.

Навбатдаги ташаббусимиз асосида жамоат жойлари, хусусан, чойхона, умумтаълим мактаби, савдо дўконлари жойлашган ҳудудлар ҳамда асосий кўчаларга кузатув камералари ўрнатилди. Улар шунчаки, кузатув камералари эмас, балки 360 градус радиусда атрофни тўлиқ назоратга олади. Яна бир қулайлиги, унда гапириш ва эшитиш мосламаси бор. Масалан, чойхона атрофида тунги соат

22:00дан кейин фуқаролар йиғиладиган бўлса, қаерда бўлишимдан қатъи назар телефоним ёки планшет ёрдамида уларга кеч бўлганини, ҳамма уй-уйига тарқалишини айтаман. Улар смарт камерадан менинг овозимни эшитиб, тарқалишлари мумкин ёки саволлари бўлса, жавоб бериш имкониятига эга.

Бугунги кунда маҳалла ҳудудига ана шундай махсус камералардан 102 та ўрнатилган. Уларнинг барчаси қўл телефонимга ва планшетга интеграция қилинган. Шу боис қаерда бўлсам ҳам ҳудудни тўлиқ назоратга олиб, ҳар қандай ҳуқуқбузарликни тезкор аниқлай оламан. Яқинда бир фуқаро тунги вақтда оғилхонасидан кўйи йўқолганини телеграм гуруҳга ёзиб, ёрдам сўради. Тезда телефоним ёрдамида камераларни бирма-бир кузатиб, қўйни топдик.

Тунги пайтларда ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун маҳалла ҳудудига фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликлари дала майдонлари

ва насос станцияларига, чорвадорлар молхоналарига, бадиқчилар бадиқ кўллари агрофига махсус камералар ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу камералар маҳалланинг "қулф-қалити"дир. Икки йиллик сав-ҳаракатларимиз натижасида "қизил" тоифадан "яшил" тоифага ўтдик.

Чет ёлга ишлашга кетган фуқароларимиз ушбу камераларнинг афзалликларини тушуниб, ўз хонадонларига ўрнатишни бошлади. Шу боис келгусида 360 та хонадоннинг ҳар бирини камералаштиришни режалаштиряпмиз.

Маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришда ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, "устоз-шоғирд" асосида темир эшик ясовчи ҳамда автомобиль тузатувчи усталарга бириктиряпмиз. Аксарияти маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида меҳнат қилишади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Тоир РАФИҚОВ, Фарғона вилояти.

– Кредит қарздорликни ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган. Шундан кейин ҳам банк томонидан фоиз ва пенялар ундириш мумкинми?

Банк фоиз ва пеняларни ундириши мумкинми?



Ахрориддин МАСАРИДДИНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судининг раиси:

– Йўқ. Бу борада "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микроомливиый хизматлари ва фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2024 йил 27 февралдаги қонунга биноан, Фуқаролик кодексининг 744-моддасига тўлдиришлар киритилган. Унга кўра, кредит бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда суд қароридан кўрсатилган, кредит бўйича ундириладиган суммага нисбатан ушбу Кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида ҳамда 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар, шунингдек, неустойкалар ҳисобланиши тўхтатилиши белгиланган.

Маккора энага

Нилуфар ИСАХОНОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.

К иши ўз оила аъзоларига ишонмаса, гумонда бўлса, бундан азобли ва хунук нарса бўлмаса керак. Мана бир ойки Мушфиқнинг (исмлар ўзгартирилган) оиласида ҳаловат йўқ. Бор йўғи эр-хотин, икки вояга етмаган гўдак ва онаси яшайди. Ҳаммаси тилла узукнинг йўқолишидан бошланди.

Кейин яна ва яна... Хотини эрини жазман топганликда, тилла буюмларни унга совға қилганликда айблади. Она ўғлининг ёнини олиб, келинга терс бўлди. Пуллари йўқола бошлагач, Мушфиқ онаси билан хотинидан шубҳаланди. Алақоқибат икки ишлар идорасига мурожаат қилишга қарор қилинди.

Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ ходимлари воқеа жойига чиқиб, буюмлар қаерда сақлангани, уйга кимлар ташриф буюргани борасида суриштирув ишларини олиб боришди. Номлари келтирилган шахслар билан суҳбатлашилганда уларнинг ўғрилиқ алоқаси йўқлиги аниқланди. Тергов

муаллақ туриб қолди.

Туман ИИО ФМБ терговчиси ҳужжатларни синчиқлаб қайта кўздан кечириarkan, яна бир бор хонадон эгалари билан учрашишга қарор қилди. Холбуки, эр-хотин иккиси ишлайди, кекса онахоннинг икки вояга етмаган набиралари қарови билан шуғулланишга соғлиги ва ёши тўғри келмайди. Кекса онахоннинг ўзи қаровга муҳтожлигини ҳисобга олсак, болалар билан кимдир машғул бўлган. Ёки уй эгаларига жуда яқин бир кимса борки, уй эгалари ундан мутлақо шубҳаланишмайди. Шу боис унинг номи хатто тилга олинмади, эсга ҳам келмади. Суҳбат давомида терговчи онахондан болаларга энага ёлланган-ёлланмаганлиги билан қизиқди.

– Ҳа, ҳа, энага ёлашганди.

– Ҳозир қаерда?

– "Иш ҳаққи кам", деб кетиб қолди.

Терговчи энаганинг исм-шарифи, қаердан келгани, ким тавсия этгани, манзили ҳақида сўраб суриштирди. Яхшиямки, уй аъзолари энагани расмий клиринг компания орқали ёлашган экан. Компания масъули билан суҳбатлашилганда, энаганинг илгариги иш жойидан ҳам шикоятлар тушгани аниқланди. Энага ҳақида тегишли маълумотларни олган тергов-

чи уни суҳбатга қақирди. Суҳбат давомида гумондор уй эгалари унга тухмат қилаётганини, бир-икки марта улар айтган ишни қилишдан бош тортганлиги учун ўч олаётганини айтиб, ўғрилиқни тан олмади. Бирок терговчига бу ҳолат таниш бўлганлиги боис, суҳбатга яхши тайёрланган эди.

Энага бир неча ой ишлаб, уй эгаларининг ишончига киргач, аста-секин қаерда нима туришини билиб олди. Сўнгра шубҳа уйғотмай ишдан кетиш каби режаларни туза бошлаган. Аввал кичик, кейин каттароқ нарсаларни ўмгарган.

– Пуллари оз-оздан олардим, – дейди аёл. – Улар учун 50 минг, 100 минг сўм пул эмасди. Шу боис ҳисобдан адашиб, майда-чуйдага ишлатганига ишонинишарди. Учунчи ойда кетишим кераклигини сездим. Чунки, вазият шунч қаларди. Бу ёғига сирим очила бошларди. Иш ҳақим камлибидан ноллиб, бошқа иш топганлигимни баҳона қилиб, кетиб қолдим.

Унинг жиноятни тан олиши ва қилмишидан пушаймонлиги суд томонидан жазо тайинлашда инобатга олинган албатта, аммо... Уни ўз оиласига киритган, фарзанди ва онасини қаровини ишониб топширган шахсларнинг ишончини суистеъмол қилганлигини қандай оқлаш мумкин?!

СУРИШТИРУВ



Бугунги кунда рўзғоримиз, уй юмушларимизни ўз гарданига оладиган турли компания дейсизми, хусусий ташкилот дейсизми, қўпайиб бормоқда. Аммо мазкур хизматдан фойдаланишда эҳтиёткорроқ бўлиш, тавсияномалар билан эътиборли, чуқурроқ танишиш, жиддий суҳбатлашиш, зарур бўлганда кўшимча маълумотлар сўраш лозим. Ўзингизга тегишли қимматбаҳо буюмлар ва ҳужжатларни ишончли ва бегоналар қўли етмас жойда сақлаганингиз маъқул. Ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ҳеч қачон панд бермайди.



Эндиликда ТАЪЛИМ КРЕДИТИ фақат кундузги таълимдаги талабаларга ажратилади.



Эндиликда фуқароларнинг ердан қандай фойдаланилаётгани, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинаётгани ДРОНЛАР ЁРДАМИДА аниқланади.



1 июндан 1 августгача 1 куб метр "метан" газнинг ЭНГ БАЛАНД НАРХИ 3 750 сўм этиб белгиланди.

САЙЁР ҚАБУЛ



“Инсон” улуғлаётган қадриятлар



Термиз шаҳридаги “Гулистон” маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда Адолат Худойкулова вага ўхшаган яна 40 нафарга яқин фуқаронинг муурожаатлари тингланди. Шундан 12 нафари бола пули ва ногиронлик нафақаси, 6 нафари даволаниш ҳамда жарроҳлик амалиёти, 4 нафари коммунал учун компенсация тўлови, 3 нафари моддий ёрдам, 2 нафари уй-жойни таъмирлаш, 2 нафари васийлик, 4 нафари уй-жой, 2 нафари ногиронлик аравачаси ва 1 нафари ҳасса, 1 нафари протез воситаси билан таъминлаш, 2 нафари санаторий, яна 2 нафари ногиронлик гуруҳини белгилаш ва ўзгартириш бўйича ёрдам сўради.

бўйича муурожаатини айтгандим, тезликда ишга киришиб кетди. “Уйингизга бориб ўрғанамиз, сизга ёрдам берамиз”, деб айтганида ич-ичимдан хурсанд бўлдим.

Хосият Нейматова 70 ёшга кириб ҳали бирор марта санаторийга бормаган. Бундан бир неча йил аввал навбатга қўйдиқ борасиз, деб ваъда қилишган. Лекин 4-5 йил давомида кутса-да, навбати келмади. Сайёр қабулда шу масала бўйича муурожаат қилиб, ижобий натижага эришди. Энди аввалгидек йиллаб кутишга ҳожат қолмаган. Фуқаролар бarchаси бу масала электрон тарзда, инсон омили аралашувисиз ҳал этилаётганидан мамнун.

Муҳтасар айтганда, сайёр қабуллар аҳоли муаммоларини жойида, тез ва самарали ҳал этиш имконини бераётгани, ҳудудларда йиллар давомида йиғилиб қолган масалаларни аниқлаш ва бартараф этилишида давлат органлари ва ташкилотлари олдидаги вазифалар қўяётгани ва ушбу вазифаларни тўлақонли бажаришга ундаётгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайёр қабул давомида шу ернинг ўзида 2 нафар фуқаро ногиронлик аравачаси, 1 нафари ҳасса билан таъминланган бўлса, 3 нафар фуқаро даволаниш учун санаторийга навбатга қўйилди. Қолган муурожаатлар бўйича фуқароларга тушунтиришлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

— Бугунги ўтказилган қабул мен учун эсда қоларли бўлди, — дейди “Гулистон” маҳалласида яшовчи Нигора ТОШМИРЗАЕВА. — Шу маҳаллада анча йиллардан бери ашайман. Муаммоларим юзасидан бошқарма бошлиғига учрашиб, қизимга протез ва хонадонимдаги коммунал тўловлар

Азиз МАШРАБОВ, журналист.

— Мен “Гулистон” маҳалласидаги кўп қаватли уйда яшайман, — дейди АДОЛАТ ХУДОЙКУЛОВА. — Синглим Санобар Худойкулова 40 ёшни қаршлади, биринчи гуруҳ ногирони. Кўча-кўйга, кўни-кўшилларнинг олдида олиб чиқишга жуда қийналардим. Бундан унинг кўнгли кемтик эди. Маҳалладаги ижтимоий ходим сайёр қабул ўтказилаётгани ҳақида айтганда, бир хурсанд бўлдим. У ерга бориб бизни қийнаётган масала ҳақида айтганимни билман, ҳеч қанча вақт ўтмай, хонадоним ишиги тақиллади. Қарасам, “Инсон” маркази ходимлари синглимга аравача олиб келишибди. Эътибор ва ғамжўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

ЯНГИЛИК

ЖАҲОН БАНКИ 100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТДИ

Жаҳон банки ижрочи директорлар кенгаши Ўзбекистонга аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қамраб олиш бўйича инновацион ижтимоий ҳимоя тизими (“Инсон”) лойиҳасини амалга ошириш учун 100 миллион АҚШ долларини миқдорда маблағ ажратилиши маълум қилинди.

Лойиҳа доирасида:

- 57 000 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли сифатли ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади;
- 20 000 нафар ногиронлиги бўлган шахс янги турдаги замонавий реабилитация хизматларини олади;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги 7 000 нафар бола ҳудудий ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларида хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади;
- зўравонлик қурбони бўлган аёлларга 20 та аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида кенг қамровли хизматлар кўрсатилади ва касбий кўникмаларга ўргатилади;
- ҳудудий ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари хизматларидан фойдаланадиган ногирон болаларни парвариш қилаётган шахсларнинг иқтисодий фаоллиги оширилади.

Лойиҳа, шунингдек, иқлимий ўзгаришларга тайёргарликни ошириш, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш ва мослашувчан ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришни кўзда тутади.



Айтиш керакки, Жаҳон банки қошидаги «Эрта ёшдаги таълим учун ҳамкорлик» кўп томонлама донорлик траст жамғармаси фаолияти дунёнинг турли мамлакатларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ривожланиши ва таълимини қамраб олади. Ушбу маблағлар маҳалла даражасида кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар фаровонлигига таъсирини баҳолаш ва уларнинг сифатини ошириш учун йўналтирилади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Ҳеч қачон умидни узиш керак эмас. Биз ҳам шу қизалоқнинг умидвор нигоҳларига маҳзунлик чўкмаслиги учун Фарғона вилояти Мактаб ва мактабгача таълим бошқармасига хат билан муурожаат қилдик. Эҳтимол, янги ўқув йилини у ҳам тенгдошлари билан бирга мактабда бошлар...

Фарзандингиз тақдирига нега дахлдор эмассиз?

Фарзанд тақдири ва келажига нафақат ота-она, балки биз масъуллар ҳам бирдек дахлдормиз. Ҳар бирининг яхши шароитда ҳаёт кечирishi, тўлақонли билим олиши учун қанча заҳмат чексак оз.

Дилдора ВАЛИЕВА, Фарғона шаҳридаги “Шодлик” ва “Шаршара” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Фарзанднинг билим олиши, шахс сифатида камол топишидан ота-она қанчалик манфаатдор бўлса, жамият ҳам ундан кам фойда кўрмайди. Айниқса, ўқийман, ўрганман, деган болага етарли шароит яратиб берилса, натижадорлик икки ҳисса ортади. Шу маънода келажикимизнинг бевоқиф бунёдкорлари бўлган ёшларни илму маърифатли қилиб вояга етказиш барчамизнинг бирламчи вазифаларимиздан саналади.

Зилола Жўраеванинг китобга меҳри бўлакча. Ундаги ғайрат ва шижоат, илм олишга бўлган иштиёқ жуда баланд. 2-синфни тамомлаган бу қизалоқ туғма нуқсонли борлиги сабаб 2-гуруҳ ногиронлигини олган. Ҳаракатланишда муаммолари бўлгани учун 1,5 йилдан буён уйда таълим олишга жалб қилиб келинмоқда. Маҳаллаимиздаги 30-мактаб ўқитувчилари унинг хонадонига келиб, дарс беришди. Лекин Зилола ҳар куни форма кийиб, мактабга кетаётган тенгқурларига бошқача ҳавас билан боқарди. Ҳатто, бир неча марта болаларга эргашиб, мактабга борган вақтлари бўлган. Унинг ҳам синфхонада ҳамма қатори билим олгиси келарди. Ота-онаси шу масалада бир неча марта директорга муурожаат қилган. Лекин тиббий ҳулоса бунга монъелик

қиларди. Маҳаллада олиб борилган хатлов жараёнида оила айнаи шу масалада ёрдам сўради. Она қизининг тенгдошлари билан бирга таҳсил олиши унинг саломатлиги ва руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишидан умидвор. Уларга кўмаклашиш мақсадида ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шифокорлар кўригидан ўтказди. Тиббий комиссия аъзолари Зилола Жўраевани мактаб таълимига лаёқатли деб топди.

Шундан сўнг реабилитация маркази психологлари 10 кундан 3 ой давомида у билан бирга ишлашди. Логопед нуқтидаги айрим нуқсонларни бартараф этишда ёрдам берди. Секин-аста одамлар билан мулоқот қилиш кўникмалари шакллантирилди. Шу тариқа бир боланинг ижтимоийлашувига эришдик. Энди унда барча тенгдошлари қатори тўла-тўқис таълим олиш имконияти мавжуд.

Эзги таътил даврида Зилола инглиз тили ва ҳуснихат тўғрақларига қатнашиш истагини билдирди. Маҳалла ва ҳомийлар унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар жиҳатдан ёрдам беришга тайёр.

Айни вақтда ҳудудимизда 7 нафар бола уй таълимига жалб қилинган. Улар орасида яна бир 2-синфда ўқийдиган қиз мактабда таҳсил олиши жуда хоҳлаётди. Ақлий салоҳияти жуда кучли. Ўқитувчилар берган маълумотларни қандай бўлса шундайлигича миёсига муҳрлаб олади. Лекин унда ҳам туғма нуқсон сабаб ҳаракатланишда муаммолар мавжуд. 1,5 йилдан буён ота-онасининг муурожаат

қилмаган жойи қолмаган. Ҳар сафар ишга кетаётганимда йўлимни пойлаб туради. Кўзларида алланечук хавотир ва умид аралаш “менга ёрдам берасизми?”, деб сўрайди. Ичмидан нимадир узилгандек бўлаверди. Қанийди, ҳаётда ҳамма нарса биз истагандек бўлса...

Ҳеч қачон умидни узиш керак эмас. Биз ҳам шу қизалоқнинг умидвор нигоҳларига маҳзунлик чўкмаслиги учун Фарғона вилояти Мактаб ва мактабгача таълим бошқармасига хат билан муурожаат қилдик. Эҳтимол, янги ўқув йилини у ҳам тенгдошлари билан бирга мактабда бошлар...

Фарзанд тақдири ва келажига нафақат ота-она, балки биз масъуллар ҳам бирдек дахлдормиз. Ҳар бирининг яхши шароитда ҳаёт кечирishi, тўлақонли билим олиши учун қанча заҳмат чексак оз. Айниқса, ота-онаси хорижга чиқиб кетган болалар тарбиясига алоҳида эътибор бериш талаб қилинмоқда.

Айни вақтда ҳудудимизда шундай оила фарзандларининг 1 нафари васийликка олинган. Яна 6 нафарига вазий тайинланиши керак. Бу бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмасликка, ҳаммасидан бирдек хабардор бўлиб туришга ҳаракат қилинмоқда.

15 ва 13 ёшли опа-сингиллар айни вақтда бобоси ва амакиси билан бирга яшапти. Отаси бир неча йилдан буён чет элда ишлайди. Онаси гарчи эри билан ажрашмаган бўлса-да, бошқа инсонга турмушга чиқиб, у билан бирга хорижга кетган. Яқинларининг меҳридан мосуво

бўлиб вояга етаётган қизлар кўзида ёш билан оиласини тиклашда ёрдам беришимизни сўраб бир неча марта олдимизга келди. Турмуш ўртоғи хиёнатни кечиршга тайёр, лекин аёл бунини истамайпти. Баҳонаси — моддий таъминот. Майли, пул топилар, лекин бу икки фарзанднинг тақдири-чи? Уларни ким ўйлайди? Туртиниб-суртиниб, ота-она меҳрини ҳис қилмай, эртага бахтини топиб кета олармикан? Шундай вақтларда бехос тилимизга “Эҳ”, деган каломдан бошқаси келмайди.

Яна бир ҳолатда 17 ва 15 ёшли опа-укалар катта ҳовлида икки йилдан буён ёлғиз ўзи истиқомат қилиб келяпти. Хорижда ишлаётган ота-онасини бу ҳолат сира ташвишга солаётгани йўқ. Болалар хоҳлаган қуни мактабга боради, хоҳламаса бормади. Девор кўшниси, аммаси билан гаплашдик. Васийликка олинган, таълим-тарбия беринг жиянларингизга, десак, уларнинг қайсарлиги, гапга қулоқ солмаслигини баҳона қилди. Шундан кейин тоғаси уларни ўз қарамоғига оладиган бўлди.

Сиз билан икки хил вазият ҳақида гаплашдик. Биринчисида, ота-она имконияти чекланган фарзанднинг жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, илму маърифатли инсон бўлиб камол топиши учун қай-ғурпти. Иккинчи ҳолатда жисмонан соғлом бўлган болалар яқинларининг пулпарастлиги сабаб маънавий мажрўҳ бўлиб вояга етмоқда. Бизни хавотирга соладигани иккинчи тоифа инсонларнинг эртага жамиятга қанчалик катта хавф туғдираётганида аслида...



СЦСКА ярим ҳимоячиси Аббосбек Файзуллаев Россияда «ЙИЛ КАШФИЁТИ» номига лойиқ деб топилди.



ОФИР АТЛЕТИКА бўйича жаҳон чемпионатида спортчиларимиз 2 та олтин, 6 та кумуш ва 4 та бронза медалига эга чиқди.



ПАРА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА бўйича жаҳон чемпионатида вакилларимиз 7 та олтин, 4 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритди.



СИНОВЛАРДА СИНМАГАН САБР

Ҳозир кўпчилик оилаларни кузатиб, ўйлаб қоламман. Инсон қанчалик меҳрли бўлса, инсофи, имони бутун бўлса, оиласини мустаҳкам сақлаб қолиши мумкин экан.

Шодона ЮСУПОВАнинг сўзларини Дилноза АБДУХАМИДОВА оққа кўчирди.

Бололигим Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида ўтган. Зиёли оилада туғайдим. Мактабни тамомлаб, Тошкент иқтисодий коллежидан тахсил олдим. “Киз бола – палаҳмон тоши”, деганлар чин экан. 18 ёшимда Шайхонтоҳур туманига келин бўлиб тушдим. Кўп қаватли уйдан ҳовлига келин бўлишнинг гаши бошқача. Эрта тонгдан ҳовлиларни супуриш, дарвозангиздан мўралаган болакайларнинг табассумини кўриш завқ-шавқ беради инсонга. Қайнота-қайнонамнинг дуоларини олиб, турмуш ўртоғим билан бахт нималигини ҳис қилиб яшадим. Бу бахтнинг нишониси бўлиб аввал катта ўғлим, сўнгра икки йил ўтиб эгизак фарзандларим дунёга келди. Она деган шарафга эга бўлдим.

Бироқ ҳаётнинг аччиқ қисмати, азоблари борлиги 23 ёшимда аён

бўлди. Беш йиллик ҳаёт тухфаси шу ерга келганда яқун топди. Турмуш ўртоғим автохалокат туфайли ёруғ оламни тарк этди. Бу оғир мусибат ҳали болалигим кетиб улгурмаган, бироқ уч нафар фарзанди бўлган аёл учун катта йўқотиш бўлди. Умрим гўёки чорраҳада қолиб кетгандек эди. Олдимда икки йўл турарди: 3 нафар гўдакни етаклаб ота уйига қайтиш ёки шу ерда қолиб, садоқат, вафо, меҳр-муҳаббат, имон-эътиқод билан турмуш ўртоғимнинг чирогини ёқиб ўтириш.

Кўп ўйладим. Фарзандларимнинг кўзларига боқиб, тунарларни кунларга уладим. Ахийри, қатъий қарор қабул қилдим. Отасиз қолган гўдакларимни бобо-бувусидан, аммаю амакиларидан айиргим келмади.

Кўпчилик бу қароримдан хайратга тушди. Кимлардир турмушга чиқшини, ҳали ёш эканлимин уқтиришга уринди. Қайнота-қайнона билан яшаш, эрта бир кун бу уйга сизмай қолишим мумкинлигини, кейин афсус чекишимни эслатиб қўйганлар бўлди. Лекин қарорим ўз кучида қолди. 4 ёш ва 2

ёш бўлган икки ўғлим ва бир қизим билан қайтадан ҳаёт оstonасига қадам қўйдим.

Қайнота-қайнонамнинг олдига совчи бўлиб келганлар бўлди. Улар бир неча бор танлаш иқониётим борлигини, ҳар қандай қароримни қўллаб-қувватлашини айтишди.

Ҳозир кўпчилик оилаларни кузатиб, ўйлаб қоламман. Инсон қанчалик меҳрли бўлса, инсофи, имони бутун бўлса, оиласини мустаҳкам сақлаб қолиши мумкин экан. “Мен қайнота-қайнонам билан турмайман”, “Турмуш ўртоғим билан алоҳида яшагим келади”, “Қайнона билан битта уйда яшаб бўлмайди”, “Овсин-овсинга дўст бўлмайди” каби гап-сўзларни бир қанча ёш келинлардан эшитиб, бунинг нотўғри эканини уларга тушунтиришга, ҳаракат қилганман. Афсуски, буни кимдир тушунган, кимдир тушунмаган.

Мен учун маслаҳаттўй бўлиб келган қайнота-қайнонамнинг кўмаги ҳамда дуолари билан фарзандларимни улғайтирдим. Улар секин-аста боғчага, кейин мактабга чиқишди. Бўйлари

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИ

бўйим билан бўйлашди. Ҳозир катта ўғлим 7-синфда, эгизакларим 4-синфда тахсил олади. Уларнинг мактабда яхши ўқиши учун доим эътиборли бўлишга, келажакда юртимизга фойдаси тегадиган комил инсонлар бўлиб улғайишига ҳаракат қиламан. Шу қаторда ўз устимда ишлашга, жамиятда ўрнимни топишга ҳаракат қилдим.

Дастлаб уйда ўтириб интернет орқали турли хунарларни ўргандим. Тўқиш ва тикиш-бичиш хунари орқали пул топишга ҳаракат қилдим. Тайёр маҳсулотларни боғча, қўни-қўшниларга олиб чиқиб сотдим. Кейинчалик миллий тақинчоқлар ясашни бошладим. Тўй-маросимлар учун сарпо сандиқ қутилари тайёрлаб, ҳамёнбоп нархларда ижарага берардим. Атрофимда шогирд бўлиш истагидаги аёллар кўпайиб борди. Бироз вақт ўтиб, “Эшонгузар” маҳалласи фаоллари йиғин биносидан аёлларга шу хунарни ўргатиш учун жой ажратиб беришди. Хунарим ортидан эл ичида хурмат-эътиборга сазовор бўлдим. Аллоҳнинг синовлари қанча кўп бўлса, унинг мукофоти ҳам шунчалик бизни хурсанд қилар экан.

Ҳозир Тошкент шаҳар Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида тренер бўлиб ишлайман. Хунармандлар уюшмаси аъзоси, яқка тартибдаги тадбиркорман. Бу фурсат орқали турли танлову кўрсатмаларда шогирдларим билан бирга иштирок этдим. Бугунги кунда аёлларга хунармандчилик асосида ресинарт, флористика – сунъий гул композициялар ясаб, совундан гулчилик, мунчоқли сумкалар, гипс декор, изалондан ёриткичлар ясаб ва бошқа йўналишларда дарс бераман.

Шу кунга қадар 200 нафардан ортиқ шогирд чиқардим. Худди ўзимдек қийин аҳволда қолган хотин-қизларни тушунлиқдан чиқишига оз бўлса-да, кўмак бериб келаятганимдан, фойдам тегаётганидан ўзимни бахтиёр ҳис этаман. Уларнинг кўпчилиги уйда ўтирган ҳолда касаначилик билан шуғулланиб, қўл меҳнати билан турли хил маҳсулотлар яратиб даромад топтомоқда.

Ҳар бир аёлни қўллаб-қувватлайдиган, унга ишонч билдирадиган яқин инсонлари бўлсагина, у жасорат кўрсата олади. Бундан икки йил олдин мен учун катта тоғ бўлган қайнотамдан айрилик. Бу йўқотиш ҳам оғир бўлди. Бироқ онамдек азиз бўлган қайнонамнинг кўмаги билан шу кунларга етиб келяпман. Фарзандларимнинг тарбияси ишончли қўлларда. Ўзим халқим хизматида. Халол меҳнатим билан фарзандларимни улғайтиряпман.

Донишманд халқимизнинг яна бир накли бор: “Қайнонали келин – қарқара келин, қайнонасиз келин – масҳара келин”. Аслида, катталарнинг дуосида хикмат бор. Уларнинг менга бўлган меҳри, ҳурмати, эътиборини оқлаган ҳолда, ўз олдимга катта мақсадлар қўйганман. Насиб этса, бу хунармандлик йўналишларимни янада кенгайтириб, қизларимизга беминнат ўргатаман. Мақсадим – ҳеч бўлмаса, ўз оиласида тадбирли тадбиркор аёлларни кўпайтириш, Ватанимиз иқтисодиётига фойда келтиришдан иборат.

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Кексалар маслаҳати — ҳаётимиз кузгуси

МАҲАЛЛАДА КУТУБХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Марям АХМЕДОВА, Шайхонтоҳур тумани “Қамолон дарвоза” маҳалласи “Оқила аёллар” гуруҳи фаоли.

Маҳалла – мактаб” концепцияси асосида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, давлат ва нодавлат ташилотлар билан ҳамкорликда

“Бир нуруний ўн ёшга масъул” лойиҳасининг амалга оширилаётгани маҳалла тизимидаги қувончли ютуқлардан бири.

Шайхонтоҳур тумани “Қамолон дарвоза” маҳалла идорасида “Нурунийлар ва кексалар маслаҳати” гуруҳи, “Бувижонлар мактаби” аъзолари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирокида “Кексалар маслаҳати – ҳаётимиз кузгуси” шори остида ўтказилган тадбир айнан ёшларни келажакка тўғри йўллаш, илм оlish ва маърифатга етаклаш борасида нуруний ва кексаларнинг маслаҳат ва ўғитларидан иборат бўлди.

Тадбирда маҳалла раиси Омон Тоиров маҳаллада ташкил этилган 1000 та турли адабиётлардан иборат кутубхона, олиб борилаётган эътиборга молик ишлар, 2-Қозиробод кўчасида барпо этилган болалар майдончаси ҳақида тўққинлиб гапирди.

Сўз олган кекса ва нурунийлар ўқувчиларга одоб-ахлоқ, юриш-туришда миллий қадриятларга риоя қилиш, билим олишнинг аҳамияти ҳақида маслаҳат ва ўғитлар берилди.



Дариха Эргашева 10 йилдан бери қовоқча етиштириш билан шуғулланади. Маҳалла кўмаги билан 2020 йилда имтиёзли кредит асосида иссиқхона куриб берилди. Бу усул ҳосил эртарақ етилиши учун ёрдам беради.

Одамларнинг ерга меҳри бўлакча

Меҳнат билан кунларни файзли, қалби хотиржам

Маҳлиё АБДУРАҲМОҶОНОВА, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Уйғур” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Қовоқча иссиқни ёқтирмайди, салқин об-ҳавода яхши бўлади. Январда маҳсус идишларга уруғ қадалади. Тайёр кўчатларни февралда ерга ўтказиш ишлари бошланади. Март ойининг охири, апрелнинг бошларида кенг қулоқ ёзган палаклар ҳосилга қиради. Дорисини вақтида бериб, томчилатиш усулида суғориб турилса, йиғим-терим мавсуми 1,5 ойгача давом этиши мумкин. Қунига 200-300 кг.гача маҳсулот терса бўлади. Хар қуни бир оралаб чиқилмаса, эртасига ошқовоқдек катталашиб кетади.

Маҳалламизда шундай ҳаракатчан, доим олға интиладиган хотин-қизлар жуда кўп. Аҳолининг 80 фоизга яқини иссиқхона йўналишида фаолият юритиб келмоқда. Айниқса, охириги ўн йилликда

бу соҳа анча ривожланди. Ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан таъминотчилар хонадонлардаги 10-15 сотихли майдонларга ўзлари куриб беришяпти. Бунинг учун банклар ҳар бир оилага 33 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратмоқда. Айримлар етиштириладиган экин турига қараб, иссиқхонадан ёзда ҳам фойдаланади. Улар асосан, қарам, помидор, бодринг, бақлажон, қовоқча каби सबзотлар етиштириб келмоқда. Даромади жуда яхши.

Жорий йил бошида ўтказилган хатлов жараёнида “Аёллар дафтари”га киритилган 74 нафар хотин-қизнинг 30 нафари ишсиз эди. Аслида уларнинг ҳаммаси мавсумий ишлаб, қунига 100-150 минг сўм атрофида даромад топишди. Фермер хўжалиқларида пахта қошиш, йиғим-терим жараёнларида фаол. Бундан ташқари, иссиқхонадаги юмушларда ёрдам бериб, пул топишяпти. Фақатгина бандлиги расман қайд этилмаган, холос. Бекорчининг ўзи йўқ.



Маҳалламиз худудида 10 га яқин миллил вакиллари истиқомат қилишадиган қовоқча, қарам, помидор, бодринг, бақлажон, қовоқча каби सबзотлар етиштириб келмоқда. Даромади жуда яхши. Маданият ва урф-одатлар ўзаро уйғунлашиб кетган.

Одамларнинг ерга меҳри бўлакча. Яқинда туман ҳокимлиги деҳқончилик қилиш истагидаги ёшларга 14 гектар бўш

ерларни 30 сотихдан тақсимлаб берди. Ишлайман деган одам шунчалик кўпчилигидан, талаш бўлиб кетди. Шунга яраша меҳнат қилишни ҳам ўрнига қўйишди. Қишин-ёзин ҳосил етиштириб, даромад олади. Айримлар қанча. Айримлар томорқасига 4 қайта экин экишди. Об-ҳаво, иссиқ-совуққа қараб ўтирмайди. Кўп қаватли хонадонларда истиқомат

ТАЖРИБА

қиладиганлар ва томорқасидан ортганлар турли давлат ташилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият юритиб келмоқда.

Маҳалла тизимида хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида оқила аёллар гуруҳи менга жуда катта ёрдам бериб келмоқда. Бирор оилада салгина келиш-мовчилик бўлиб қолса, биздан олдин ўзлари бориб ҳал қилиб келишди. Ёшу қари уларнинг маслаҳат ва ўғитлари билан иш тутди. Айниқса, нуруний отахон ва онахонларнинг айтганини ҳеч ким икки қилмайди. Бу ижобий натижаларга эришишда бизга анча кўмак бўляпти.

Тақлифим: *фаолиятимиз давомида ҳар хил шароит ва қайфиятдаги одамлар билан суҳбатлашишга, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга тўғри келади. Баъзан тушунлиққа тушиб, яшаш завқини йўқотганлари ҳам учраб туради. Шундай вақтда психолог ёрдамида эҳтиёж туғилади. Минг юпатиб, овутиандан кўра, мутахассиснинг бир оғиз тўғри йўналиш берганига нима етсин. Шу маънода маҳаллаларга ошлар билан ишлаш учун психологлар бириктириб берилса мақсадга мувофиқ бўларди.*

